

**ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.T.08.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

«РАХТАСАНОАТ ИЛМИЙ МАРКАЗИ» АЖ

ИСАНОВ ФАРХОД ЖУММАНАЗАРОВИЧ

**ПАХТА ТОЗАЛАШ КОРХОНАЛАРИДА ТОЛАНИ НАМЛАШНИНГ
САМАРАДОРЛИГИ ЮҚОРИ УСУЛИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**05.06.02 – Тўқимачилик материаллари технологияси
ва хомашёга дастлабки ишлов бериш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
technical sciences**

Исанов Фарход Жумманазарович

Пахта тозалаш корхоналарида толани намлашнинг самарадорлиги юқори
усулини ишлаб чиқиш.....3

Исанов Фарход Жумманазарович

Разработка высокоэффективного метода увлажнения волокна на
хлопкозаводах.....25

Isanov Farkhod Jummanazarovich

Development of a highly efficient method of wetting fiber in ginning plants47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....50

**ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Т.08.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

«РАХТАСАНОАТ ИЛМИЙ МАРКАЗИ» АЖ

ИСАНОВ ФАРХОД ЖУММАНАЗАРОВИЧ

**ПАХТА ТОЗАЛАШ КОРХОНАЛАРИДА ТОЛАНИ
НАМЛАШНИНГ САМАРАДОРЛИГИ ЮҚОРИ
УСУЛИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**05.06.02 – Тўқимачилик материаллари технологияси ва хомашёга дастлабки
ишлов бериш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.3.PhD/T913 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация “Рахтасаноат ilmiy markazi” акциядорлик жамиятида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти ҳузуридаги Илмий кенгаш веб-саҳифасида www.titli.uz ва “ZiyoNet” Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) манзилига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Сабилов Қахрамон

техника фанлари доктори, катта илмий ходим

Расмий оппонентлар:

Мадумаров Илхом Дедаханович

техника фанлари доктори, профессор

Қаюмов Абдумалик Хамидович

техника фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот

Жиззах политехника институти

Диссертация ҳимояси Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc 03/30/12.2019.Т.08.01 – рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «29» декабрь соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил:100100, Тошкент ш., Яккасарой тумани, Шохжохон кўчаси, 5-уй. Тел.:(+99871) 253-06-06, (+99871)253-08-08, факс: (+99871)253-36-17; e-mail:titlp_info@edu.uz). Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти маъмурий биноси, 222-хона).

Диссертация билан Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ 37-рақам билан рўйхатга олинган). Манзил:100100, Тошкент ш., Яккасарой тумани, Шохжохон кўчаси, 5-уй. Тел.:(+99871)253-06-06, (+99871)253-08-08.

Диссертация автореферати 2021 йил «16» декабрь куни тарқатилди.
(2021 йил «16» декабрдаги 37-рақамли реестр баённомаси).



И. К. Сабилов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, техника фанлари доктори

А. З. Маматов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.д, профессор

Н. Р. Ханхаджаева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш ҳузуридаги илмий семинар раиси, т.ф.д. профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси).

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати «Жаҳон бозорида табиий маҳсулотлар, хусусан, пахта толасидан тайёрланган тўқимачилик ва енгил саноат маҳсулотларига талаб доимо юқори бўлган ва жадал равишда ортиб бораётган аҳоли сон ҳисобига бу талабнинг истиқболда ортиб бориши кутилмоқда. Ҳар йили дунё миқёсида 24-25 млн. тонна атрофида пахта толаси ишлаб чиқарилади, лекин унинг йиллик истеъмоли 0,12-0,25 % га кўп. Етишмаган тола ҳажми хомашё захиралари ҳисобига қопланмоқда»¹. Жаҳон пахта тозалаш соҳасида юқори самарадорликка эга бўлган янги техника ва технологияларни такомиллаштириш, амалиётга жорий қилиш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатини яхшилаш, ресурстежамкор технологияларни яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жаҳонда пахтани дастлабки ишлашнинг техника ва технологиясини такомиллаштириш, уларнинг илмий асосларини ривожлантириш бўйича кенг миқёсда илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада, толани намлаш ускуналарини асосий ишчи қисмларини назарий ва амалий таҳлил қилиш, айниқса пахта толасининг мақбул структуравий ва механик хоссаларга эга бўлишини таъминлайдиган бир текис намлаш жараёнини оптималлаштириш, толани намлашни янги самарали усуллари ва режимларини яратиш муҳим илмий-амалий масалалар ҳисобланади. Пахта толасининг сифатига бўлган талабларни янада кучайиши пахта толасини жаҳон бозорида унинг рақобатбардошлилигини ошириш, замонавий ҳамда технологик жиҳатдан ишончли ва сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришга мўлжалланган тўқимачилик саноатининг олдига энг долзарб муаммолардан бири бўлган пахта тозалаш корхоналарини янги техника ва технологиялар билан қайта жиҳозлашга алоҳида эътибор беришни талаб қилмоқда.

Республикамызда пахта етиштириш, уни дастлабки ишлаш тармоқларини ривожлантириш, ишлаб чиқарилаётган тайёр маҳсулотларнинг турлари ва ассортиментини кенгайтириш, шунингдек, тармоқ корхоналарининг инвестиция ва экспорт фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан "...миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, ...иқтисодиётда энергия ва ресурслар сарфини камайтириш, ишлаб чиқаришга энергия тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш"² вазифалари белгилаб берилган. Ушбу вазифаларни амалга оширишда, жумладан пахта ва ундан олинадиган толани намлашнинг

¹International cotton advisory committee. Washington, From the Secretariat of the ICAC. <https://icac.org/>, email secretariat@icac.org. September

²ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони

ресурсларни тежовчи илмий-техникавий ечимлар орқали уни такомиллаштириш муҳим ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 28 ноябрдаги ПҚ-3408-сон «Пахтачилик тармоғини бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори, Вазирлар маҳкамасининг 2018 йил 31 мартдаги 253-сонли «Пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришлари ва кластерлари фаолиятини ташкил этиш бўйича қўшимча чора тадбирлар тўғрисида»ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа маъёрий – ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур илмий тадқиқот иши республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг II. «Энергетика, энергия ва ресурстежамкорлик» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Пахта хомашёсининг табиий хусусиятларини сақлаб қолиш ва хомашёдан фойдаланишни таъминлаган ҳолда, пахтани намлаш технологик жараёнини такомиллаштириш муаммоларини ечиш бўйича бир қаторчет эл олимлари: G.J.Mangialardi, S.E.Hughs, L.Price, A.C.Griffin, V.P.Moore, W.Anthony, R.K.Byler ва бошқаларнинг ишларида қўриб чиқилган.Толали материалларни намлаш технологияси бўйича назарий-методологик асосларини ёритувчи масалалар билан боғлиқ тадқиқотлар Республикамиздаги бир қатор олимлар томонидан олиб борилган, жумладан, А.П.Лыков, Р.П.Никитин, С.З.Зульфанов, З.М.Мамарасулов, Ф.А.Заиров, А.П.Парпиев, А.Е.Лугачев, А.М.Гуляев, Б.М.Мардонов, Р.П.Саидов, К.Сабилов, Л.С.Рябинская, Р.А.Гуляева бошқалар.

Улар томонидан пахтани ва толани намлашнинг технологик жараёни назарий ва тажриба ўтказиш усуллари билан ўрганилган, хар хил конструктив ўзгартиришлар, технологик ўлчамлар ва машиналарни ҳаракатлантириш узатмаларини режимлари таклиф этилган. Лекин оддий ускуна ёки усул ёрдамида толанинг самарали бир текис 1,5 ва ундан ортиқ фоиз намлаш муаммоси шу вақтгача охиригача ечилмаган ва бу йўналишларда илмий тадқиқотлар етарлича ўтказилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши «Рахтасаноат ilmiy markazi» АЖ илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ 1602-сонли "Тола лотогида қизитиш элементлари бўлган йўналтиргичли тола намлагичини ишлаб чиқиш", БВ-Атех-2018-(241+209) "Пахта толасининг тозалаш самарадорлиги юқори бўлган автоматлаштирилган аррали жин ускунасини ва пахта толасини пресслашдан олдин намлашнинг самарали технологиясини ишлаб чиқиш" мавзусидаги амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади тола тарновининг йўналтирувчи элементларини иситиш билан бирга тола намлагичини ишлаб чиқиш, конструктив ва технологик параметрларини асослаш орқали толани намлаш самарадорлигини ва толанинг ҳажми бўйича намланишини бир хиллигини оширишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

толани намлаш учун тайёрланган толанинг физик-механик хусусиятларини таҳлил қилиш;

танланган намлаш технологияси ва тола намлагичининг ишлаб чиқилган конструкцияси, тола намлагичининг асосий параметрлари ва иш режимларини асослаш ҳамда тола намлагичини толани ҳажми бўйича самарадорлиги ва бир хиллигини оширишни таъминлаш мақсадида назарий ва экспериментал тадқиқотлар ўтказиш;

экспериментал лаборатория ва ишлаб чиқариш шароитида танлаб олинган тола намлагич конструкциясини асосий кўрсаткичларини асослаш, унинг техник кўрсаткичларини аниқлаш;

танлаб олинган ва асосий параметрлари асосланган тола намлагичини тайёрлаш ва ишлаб чиқариш шароитида синовларини ўтказиш, иқтисодий баҳолаш ва уни ишлаб чиқаришга жорий этиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида тола тарновининг йўналтирувчи элементларини иситиш билан бирга тола намлашни амалга оширувчи қурилманинг экспериментал намунаси олинган.

Тадқиқотнинг предмети толани намлаш технологик жараёни. Тола намланишининг миқдорий ва сифат кўрсаткичларининг тола тарновининг йўналтирувчи элементларини иситиш билан бирга тола намлашни амалга оширувчи қурилманинг конструкцияси ва технологик параметрларига боғлиқлиги қонуниятлари, толанинг технологик хусусиятлари ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Илмий тадқиқот ишида назарий ва амалий механика, математик статистиканинг тажриба натижаларини қайта ишлаш, дифференциал тенгламаларни аналитик ва сонли ечиш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

тола намланишининг самарадорлигини ошириш ва унинг ҳажми бўйича бир текисда намланишини таъминлаш шартидан келиб чиқиб йўналтирувчи роликларни қиздириш асосида толани намлашнинг янги технологияси ишлаб чиқилган;

тола тарновининг йўналтирувчи элементларини иситиш билан бирга тола намлашни амалга оширувчи қурилманинг такомиллаштирилган схемаси ишлаб чиқилган, унинг қизитувчи роликлари сони, диаметри, роликлар оралиғидаги тиркишлар, намлаш агентини миқдори ва бошқа параметрлари асосланган.

намланаётган толанинг ташқи кўриниш ўзгаришини олдини олиш шартидан тола тарновининг йўналтирувчи элементларини керакли иситиш ҳароратини таъминловчи толани намлагичнинг асосий параметрлари намлаш агентининг миқдори, босими, намланиш давомийлигини толанинг қатлами

баландлиги ва зичлигига боғлиқлигини аниқлаш учун аналитик боғлиқланишлар ишлаб чиқилган;

тола намлагичининг технологик параметри, роликларни сиртини температурасини, толанинг сифат кўрсаткичлари-нур қайтариш ва сарғишлик коэффициентининг миқдорий ўзгаришига боғланишлари олинган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари:

такомиллаштирилган тола намлагичидан фойдаланиш толани намлаш самарадорлигини ошириши, шунингдек толани ҳажми бўйича пахта тозалаш корхоналари шароитида ишлаб чиқилган усулларга нисбатан бир текис намланишини амалга оширилганлиги, назарий ва экспериментал тадқиқотлар натижаларидан лойиҳалаш ташкилотлари ва илмий-тадқиқот муассасалари томонидан тола намлагич конструкцияларини ишлаб чиқишда, шунингдек ишлаб чиқариш шароитида ишлаб чиқилган намлагични қўллашда фойдаланиш имконияти яратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги пахта толасини қиздириш элементли роликли йўналтиригичли намлаш ускунасини асосий параметрларини асослаш бўйича назарий тадқиқотлар натижаларининг уни ишлаб чиқаришга жорий қилишда тажриба синовларида олинган тадқиқот натижалари билан мос келиши билан тасдиқланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти тола намланишининг самарадорлигини ошириш ва унинг ҳажми бўйича бир текисда намланишини таъминлаш мақсадида толани намлашнинг янги технологияси, тола намлашни амалга оширувчи қурилманинг конструкцияси ва технологик параметрларига боғлиқлиги қонуниятлари ишлаб чиқилганлиги, толани намлагичнинг асосий параметрларини аниқлаш учун аналитик боғлиқланишлар олинганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти толани пахта тозалаш корхоналари шароитида ишлаб чиқилган усулларга нисбатан ҳажми бўйича бир текис намланишини таъминланганлиги, тола тарновининг йўналтирувчи элементларини иситиш билан бирга тола намлашни амалга оширувчи қурилманинг такомиллаштирилган схемаси ишлаб чиқилганлиги, унинг асосий конструктив ва эксплуатацион параметрлари асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Пахта тозалаш корхоналарида толани намлашнинг самарадорлиги юқори усулини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Тола тарновининг йўналтирувчи элементларини иситиш билан бирга тола намлашни амалга оширувчи қурилманинг такомиллаштирилган нусхаси Сирдарё вилоятидаги "Боёвут техно кластер" МЧЖ нинг толани намлаш технологик линиясига жорий этилди. ("Ўзпахтасаноат" АЖнинг 18.06.2020 йилдаги №03-18/1836 маълумотномаси). Натижада тола намлигини 1,6 % га ошиши эвазига тола тойларининг массаси 8-10 кг га ошиб, тола

махсулотларини ўров ва боғлов материалларини сарфи 4,6 % га иқтисод қилинишига имконият яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари илмий-техник анжуманларда, жумладан, 2 та халқаро ва 4 та Республика конференцияларда, 2 та илмий семинарда муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 10 та илмий мақола, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан нашрга тавсия этилган 4 та илмий мақола, шу жумладан хорижий журналларда 2 та мақола чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 100 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асослаб берилган, тадқиқот мақсади ва вазифаларини шакллантирилган, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотни республика фан-техника тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижаларини баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамиятини очиқ берилган, тадқиқот натижаларини, эълон қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши ҳақида маълумот берилган.

Диссертациянинг **”Муаммонинг ўрганилганлик ҳолати ва тадқиқотнинг мақсади”** номли биринчи боби адабий манбаларнинг таҳлилий шарҳига ва толани намлаш, шу жумладан толани пуркалган сув ва буғ билан намлаш технологияси ва техникасининг ҳозирги ҳолатига бағишланган. Ушбу бобда толани намлаш технологияси ва техник воситаларини такомиллаштириш бўйича олиб борилган тадқиқотлар таҳлили натижалари келтирилган.

Илгари ўтказилган изланишларни таҳлили шуни кўрсатдики, толанинг ҳароратини ошириш, намликни ошириш билан бирга, унинг эластиклигини камайтиради, бу эса ўз навбатида тола массасининг ҳам юк остида, ҳам юк олиб ташлангандан кейинги зичлигини оширади. Толани намлаш самарадорлигини унинг ҳароратини ошириш ҳисобига эришиш мумкин, бунда толанинг эластиклиги камайиб, прессилаш жараёнини осонлаштиради ва буғ билан уни нисбатан камроқ намлаш билан бирга тола тойини оғирлигини оширади.


Аввалги тадқиқотларнинг таҳлилий шарҳига асосланиб, муаллиф томонидан янги технологик схема танлаб олинди, 1-расмда кўрсатилган тарновнинг йўналтирувчи элементларини қиздириш учун техник ечим ишлаб чиқилди.

Тола намлагич лаборатория стендининг асосий қисми (ишлаб чиқилаётган) ҳар бири 76 мм диаметрли 6 та роликли йўналтирувчи элементлардан иборат (1-расм). Роликли йўналтиргичлар 7 тарновнинг пастки қисмида унинг икки томонига думалаш подшипниклари 8 орқали ўрнатилади. Подшипниклар мавжудлиги туфайли улар тола ҳаракати йўналишида осон

айланади ва ҳаво сўриб олинганда намлагич толанинг харакатланишига халақит бермайди.

Тола намлагичининг лаборатория стенди тола конденсори 1, тола намлагичи 2 тарновда горизонтал юзага 30 градус бурчак остида жойлашган йўналтирувчи элементларни қиздириш мосламали, буғ ишлаб чиқаргич 3, тола пресси 4, қисқа қувур 5 ва электр ТЭНлари 6 дан иборат.

Роликли йўналтиргичлар харакатланаётган тола қатлами билан минимал контактга эга ва тола ва толали чанг билан тикилиб қолмайди. Ҳар бир роликли йўналтиргич ичида қуввати 0,5 кВт бўлган электр иситиш элементлари 6 кронштейн 9 билан ўрнатилади.



- 1-тола конденсори, 2-тола намлагич, 3- буғ ишлаб чиқаргич, 4- тола пресси,
5- қисқа қувур, 6- электр ТЭНлари, 7- роликлар, 8- подшипник,
9- кронштейн.

1-расм. Тарновнинг йўналтирувчи элементларини қиздириш мосламали тола намлагич схемаси

Намловчи модда (сув буғи) буғ ишлаб чиқаргич 3 томонидан ҳосил қилинади ва қувур орқали тола намлагич 2 нинг суғориш камерасига берилади, цилиндрлар орасидаги 5-10 мм дан кўп бўлмаган тирқишлардан ўтиб тола қатламига берилади. Толанинг бир текис ва ҳажмий намланиши учун намловчи

модда қисқа қувур 5 орқали сўриб олинади. Қисқа қувур 5 сўрилаётган ҳаво миқдорини ростлаб туриш учун қопқоқга эга бўлиши керак.

Тола намлагичини таклиф этилган конструкциясини ҳисобга олган ҳолда, унинг асосий параметрлари ва иш режимини асослаш мақсадида унинг технологик жараёнини ўрганиш режалаштирилди.

Диссертациянинг иккинчи "**Қиздириш элементли тола намлагич ускунасини назарий ўрганиш асослари**" номли бобида тавсия этилган тола намлагич ускунасини асосий параметрлари ва иш режимларини назарий асослаш натижалари келтирилган.

Пахта хом ашёси намланиш жараёнини тавсифлаш учун доимий тезликда нам ҳаво оқими таъсир зонасида намликни тарқалиши ва узатишни диффузиялаш моделидан фойдаланамиз. Қатлам юзасини урта қисмга бўламиз. Биринчи $0 < x < l_1$, ва учинчи $l < x < L$ қисмлар намликдан ҳолис, иккинчи $l_1 < x < l$ қисм нам ҳаво оқими таъсирида бўлсин. Биринчи қисм чегарасида $x = 0$ материални намлигини маълум деб ҳисоблаймиз ва дастлабкига w_n тенг. Учунчи қисм чегарасида $x = L$ намликни кейинги қурилмага йўқотмай узатади. $w(x, y)$ орқали намланиш қисмида намликни (kg/m^3) концентрациясини белгилаймиз ва бу қисмдаги намликнинг диффузия тенгламасини қуйидагича ёзиш мумкин:

$$\frac{\partial w}{\partial t} + v_0 \frac{\partial w}{\partial x} = D \Delta w, \quad (1)$$

бу ерда D - диффузия коэффиценти, (m^2/s),

$$\Delta = \frac{\partial^2}{\partial x^2} + \frac{\partial^2}{\partial y^2} - \text{Лаплас оператори}$$

Дастлабки шартлар ва бир неча ўзгартиришлардан сўнг қуйидаги тенгламани оламиз:

$$0 < x < l_1 \text{ да } u = u_1(x) = w_n + q_0 [\exp(-\bar{\alpha}l_2) - \exp(-\bar{\alpha}L)] \exp(\bar{\alpha}x) - 1 / h\alpha^2 D \quad (2)$$

бу ерда w_n - толанинг дастлабки намлиги, (kg/m^2)

q_0 - намлаш учун берилаётган буғ, (kg/m^2s)

L - тола тарновини узунлиги, (m)

h - толанинг баландлиги, (m)


D - диффузия коэффиценти, (m^2s)

v_0 - толани тарнов сирти бўйлаб ҳаракатланиш тезлиги, (м/с)

Агар тарновнинг горизонтал текислик билан ташкил этган бурчаги φ бўлиб, бўлак қаттиқ жисм деб қаралса, у ҳолатда бўлакнинг ўзгармас тезликдаги ҳаракати учун ушбу мувозанат тенгламаси ўринли бўлиши керак

$$mg(\sin \varphi - f \cos \varphi) + R_k - R_0 = 0 \quad (3)$$

Бу ерда f тарнов сирти билан бўлак орасидаги ишқаланиш коэффиценти, R_k - роликларнинг бўлакни суриш кучи, R_0 - бўлак билан узатилаётган тола муҳити орасидаги чўзилиш кучи бўлиб, ушбу шарт $R_0 \geq R_k$ бажарилиши лозим.




1-Тола тарнови, 2-толани йўналтирувчи цилиндрик роликлар, 3- электр қиздириш элемент (ТЭН) лар

2-расм. Толани тарновдаги тавсия этилган намлагич ускунасида намланиш жараёни схемаси

Стационар ҳолатда тарновдаги тола миқдори $m = Q_0 L / v_0 = \rho h L b$ га тенг бўлади

Ушбу $\frac{R_0 - R_k}{mg\sqrt{1+f^2}} \leq 1$ шартидан, роликларнинг суриш кучи учун қўйидаги

тенгсизлик бажарилиши лозим $R_k \geq R_0 - mg\sqrt{1+f^2}$ 3-расмдаги графиклардан қўйидаги хулосалар қилиш мумкин. Графикларнинг оғиш бурчаги билан кесишадиган қийматини φ_0 билан белгилаймиз. Агар оғиш бурчаги $\varphi < \varphi_0$ бўлса, у ҳолда $R_0 < R_k$ тенгсизлик ўринли бўлиб, узатиш кесимида толанинг қўшимча зичланиш ҳолати юзага келади. Агар оғиш бурчаги учун ушбу тенгсизлик $\varphi > \varphi_0$ бажарилса, у ҳолда роликлар кучининг ушбу ораликдаги $R_0 - mg\sqrt{1+f^2} \leq R_k \leq R_0$ қийматларида бўлак асосий массадан ажралмасдан ҳаракатда бўлади. Агар $R_k > R_0$ шарти бажарилса, бўлакнинг асосий массадан ажралиб кетиш ҳолати юзага келади.





1 - $f = 0.1$, 2 - $f = 0.2$,
 3 - $f = 0.3$, 4 - $f = 0.4$,
 5 - $f = 0.5$



3-расм. Тола бўлагини узатувчи ва роликлар суриш кучлари айирмаси (бўлак оғирлигига нисбатан) нинг ишқаланиш коэффициентини f нинг турли қийматларида тарновнинг горизонт билан оғиш бурчагига боғлиқлик графиклари

3-расмда x/L намликни намлаш қисми узунаси бўйлаб $\beta = v_0 L / D$ ва $\gamma = q_0 D / h v_0^2 w_n$ параметрларини турли қийматларда тақсимланиши u/w_n ни эгри чизиқлари келтирилган, бунда $L = 2.5\text{m}$, $l_1 = 0.8\text{m}$, $l = 0.9\text{m}$, $h = 0.4\text{m}$, $b = 1\text{m}$, $\rho = 16\text{kg/m}^3$, $Q = \frac{25}{36}\text{kg/sek}$, $v_0 = Q / \rho_0 h b = 0.087\text{m/s}$ қабул қилинган

$$D = 0.0004 \text{ (m}^2 / \text{sek)} \quad D = 0.0006 \text{ (m}^2 / \text{sek)}$$



$$D = 0.0008 \text{ (m}^2 / \text{sek)} \quad D = 0.001 \text{ (m}^2 / \text{sek)}$$




$$1 - q_0 = 30, 2 - q_0 = 40, 3 - q_0 = 50, 4 - q_0 = 60$$

4-расм. Намликни тарновузузлиги бўйлаб намлик ўтказувчанлик коэффициенти $D(\text{m}^2\text{s})$ нинг ва намлаш зонасида узатилаётган намлик $q_0(\%)$ нинг турли қийматларида тола бўлагида намликнинг тақсимланиш графиклари

4-расмда келтирилган графиклардан кўриниб турибдики, толадаги намликни зонада ошириш учун унинг намлик ўтказувчанлик коэффициенти D ни, яъни толани бўлаги структурасини, ёки намлик улашувчи манбада намлик микдорини ошириш лозим бўлади. Намликнинг ошириш даражаси тарновнинг бошланғич қисми ва буғ беришни охириги қисми ўртасида амалга ошади. Тарновни охириги қисми ва майдон орасида оқим буғ етказиб бериш қисмида доимий намликни сақлайди.

Фараз қилайлик хомашё ўз ўқи атрофида айланаётган роликлар билан биргаликда ҳаракат этсин. Бу ҳолда ҳаракатдаги хомашё вазнининг таъсирида роликлар орасидаги бўшлиққа тушиши ва оғирлик кучи етарли даражада катта бўлса, ундан тушиб кетиши мумкин.

Роликлар сиртидаги қаршилиқ кучи таъсирида хомашё маълум хажми эгаллаб, мувозанатини сақлаши мумкин. Бу ҳолатга ролик радиуси R , марказий α_0 - бурчак ва хомашё билан ролик сирти орасидаги ишқаланиш кучининг орасидаги боғланишни аниқлаш лозим бўлади (5-расм).



5-расм. Ҳаракатдаги роликлар орасидаги тола массасининг мувозанатда бўлиш схемаси

Масофа $x_0 < l_1 = 2R + b_0$ шартини қабул қилиб, $A_1 A_2 C_1 C_2$ соҳани тўлдирган тола муҳитидаги босимни $p_0 = \rho_0 g h$ га тенг деб оламиз. Бу ерда b_0 роликлар орасидаги масофа, h , ρ_0 қатлам қалинлиги ва ундаги тола зичлиги.

Бу ҳолда муҳитнинг мувозанат тенгламаси қуйидагича ёзилади.

$$\rho_0 \cdot g \cdot S = T - f \cdot N \quad (4)$$

бу ерда

$$S = [(b_0 + 2R)x_0 - 2R^2\alpha_0]$$


$$T = p_0 k R \int_0^{\alpha_0} \cos \alpha d\alpha \quad N = p_0 k R \int_0^{\alpha_0} \sin \alpha d\alpha$$

$$x_0 = R(1 - \cos \alpha_0)$$

бу ерда; k -босим коэффициенти, f -ишқаланиш коэффициенти

$$b_0 = -2R + (R\alpha_0 - R + x_0)]R / x_0 - hkR(\sin \alpha_0 - f_0 + f_0 \cos \alpha_0) / x_0 \quad (5)$$

Хисоблар марказий бурчакнинг $\alpha_0 = 45^\circ$ ва $\alpha_0 = 90^\circ$ қийматларида бажарилган (6. расм), $h = 0,1$ м, $k = 0,3$ бўлганда роликлар орасидаги масофа b_0 (мм) билан уларнинг радиуси R (мм) бўйича ишқаланиш коэффициентини f нинг хар хил қийматларидаги графиклари келтирилган.



R (мм) га нисбатан ўзгариш графикларига ишқаланиш коэффициентини f нинг боғлиқлиги $1 - f = 0,1$, $2 - f = 0,2$, $3 - f = 0,3$, $4 - f = 0,4$, $5 - f = 0,5$


6-расм. Роликлар орасидаги масофа b_0 (мм) ни роликнинг радиуси

Графиклар натижалари таҳлилидан марказий роликлар орасидаги масофа ва бурчакнинг ошиши (бўшлиқ зона ҳажмининг ошиши) роликлар орасидаги масофани камайишини кўрсатади. Ишқаланиш коэффициенти оралиқ масофага камайишига катта таъсир ўтказиши, унинг юқори қийматларида масофа нолга тенг бўлиши мумкин.

Диссертациянинг "Тажриба услублари ва экспериментал тажрибаларни натижалари" номли учинчи бобида тавсия этилган тола намлагич ускунасининг параметрлари ва иш режимларини аниқлаш учун тажриба тадқиқотларини ўтказишнинг махсус ишлаб чиқилган усуллари ҳамда экспериментал тадқиқотлар натижалари баён этилган.

«Paxtasanoat imliy markazi» АЖ нинг лойихалаш ва дизайн бўлими конструкторлари ёрдамида тайёрланган чизмаларга кўра, қизитувчи роликлар кўринишидаги тола лотогининг таглик қисми, намлаш камераси ва ЭБГ русумли буғ ишлаб чиқаргичидан иборат лаборатория стенди тажрибалар ўтказиш учун тайёрланди. Лаборатория стендидан мунтазам равишда толани ҳаракатланиб ўтиши, яъни пахта тозалаш корхонасидаги мавжуд технологик жараёнлар, жинлаш, тола тозалаш ва толани узлуксиз намлашни таъминлаш мақсадида толани намлаш лаборатория стенди пахтани жинлаш ва тозалаш ускуналари тизимига монтаж қилинди (7-расм).

Ишлаб чиқилган чизмаларга кўра, роликлар ва ЭБГ маркали буғ ишлаб чиқаргичдан иборат бўлган лотокнинг таг қисми кўринишидаги толани намлаш камерасидан иборат ва 7 расмда кўрсатилган тизимга ўрнатиладиган ускунанинг лаборатория стенди тайёрланди (8-расм).



1- тола конденсори, 2-лаборатория жини, 3- тўскич-йўналтиргич, 4-тола тозалагич, 5-буғ ишлаб чиқаргич, 6- тола намлагич стенди, 7-тола тарнови

7-расм. Тажрибаларни ўтказиш учун тайёрланган лаборатория ускуналари тизимини схемаси



8-расм. Толани намлаш ускунасининг ён томондан (чапда) ва олд томондан (ўнгда) кўриниши

Тажрибалар ўтказишдан олдин электр қиздириш элементлари ёқилиб, роликларнинг сирт ҳарорати керакли кўрсаткичда бўлиши таъминланди. Шундан сўнг пахта хомашёси жинланиб, бир йўла толани узлуксиз равишда намлаш бўйича тажрибалар ўтказилди.


Пахтани “Султон” селекцияси I-нав, 1-синф техник пахтани "Рахтасаноат ilmiv markazi" АЖ даги тажриба экспериментал лабораториясининг технологик жараёнида тозалангандан сўнг, жинлаш, толасини тозалашдан кейингина намлаш жараёнидан ўтказилди.

Лаборатория таҳлили учун намуналар пахта хом ашёсидан, толани намланмасдан олдин, тола конденсоридан чиққанда, толадан намлангандан кейин, цикл охирида, намланиб йиғилган толадан олинди.

Лаборатория шароитида ўтказилган тажрибаларда қиздирилувчи цилиндрлик роликларни сиртини ҳарорати 60 °С дан 120 °С гача ростланиб, хар

бир вариантдан кейин роликлар совитилиб, унинг юзаси қолдиқ толалардан тозаланиб, кейин бошқа вариант тажрибалари ўтказилди.

Толани намлагич ускунасини қизитилган роликлари билан контактда бўлган толанинг сарғишлик даражасини ўзгариши бўйича олинган натижалар 9-расмда келтирилган.



9-расм. Қиздирилган цилиндрик роликлар билан контактда бўлган толанинг сарғишлик кўрсаткичларини ўзгариши графиги

Толанинг табиий технологик хусусиятлари, яъни сарғишлик даражасига цилиндрик роликларнинг хароратини 60 °C дан 120 °C га кўтарилишини таҳлили шуни кўрсатдики (9 расм), толанинг сарғишлик даражаси цилиндрик роликлар сиртининг харорати 60 °C га тенг бўлганда 9,41% ни ташкил этган бўлса, цилиндрик роликлар сиртидаги хароратни 120 °C гача кўтарилганида 0,26 % га ёмонлашиб, 9,67 % кўрсаткичига эга бўлиб, толанинг сарғишлик даражасининг ошиши йўл қўйиладиган меъёр чегараси даражасида бўлар экан.

Тажриба натижаларини регрессив таҳлил қилиш йўли билан қайта ишлаш натижасида қуйидаги тенглама билан тасвирланган математик модели олинди:


$$Y_1 = 0,000008 * x^3 - 0,0023x^2 + 0,205x + 3,5 \quad (6)$$

Бу ерда Y_1 – толанинг сарғишлик даражаси;

X - цилиндрик роликлар сиртининг харорати, °C.

Қиздирувчи цилиндрик роликлар сиртининг хар хил хароратларида толанинг табиий технологик хусусиятларидан бўлмиш нур қайтариш коэффициентини ўзгариши бўйича олинган натижалар 10-расмда келтирилган.

10-расмдаги графикдан кўриниб турибдики, цилиндрик роликлар сиртидаги хароратни 60°C дан 74°C гача кўтарилганда толанинг нур қайтариш коэффициенти кўрсаткичи 79,68 % дан 79,18 % га камайиб, йўл қўйиладиган меъёр чегарасида бўлса, цилиндрик роликлар сиртидаги хароратни 120 °C гача кўтарилганда 74 °C дагига нисбатан 2,72 % га, 60 °C дагига нисбатан эса 3,22 % га пасайиши кузатилди.



10-расм. Қиздирилган цилиндрик роликлар билан контактда бўлган толанинг нур қайтариш коэффициентини кўрсаткичларини ўзгариши графиги

Тажриба натижаларини регрессив таҳлил қилиш йўли билан қайта ишлаш натижасида қуйидаги тенглама билан тасвирланган қарама-қаршилиқнинг математик модели олинди :

$$Y_2 = -0,000363x^2 + 0,014x + 80,15 \quad (7)$$

бу ерда Y_2 -толанинг нур қайтариш коэффициентини,

x - цилиндрик роликлар сиртининг ҳарорати, °C.

Толани намлаш ускунасининг лаборатория стендида унинг қиздирувчи цилиндрик роликларини толани ҳароратини ўзгаришига таъсирини ўрганиш бўйича тажрибалар ўтказилди. Тажрибаларни ўтказиш вақтида қиздирувчи цилиндрик роликларини ҳарорати 50 °C дан 120 °C гача 10 °C интервал билан ўзгартирилди. Вариантларнинг такрорланиш сони 3 марта, ҳар бир такрорланиш учун 20 g миқдорида тола ўлчаб олинди ва тола намуналари роликларни устида 1 дақиқа давомида ушлаб турилди. Кейин тола намунасининг ҳажми бўйича ўртача ҳарорати ўлчанди.

Ўтказилган тажрибалар натижалари 1-жадвалда келтирилган.

1- жадвал натижалардан аниқланишича, толани намлаш бўйича таклиф этилаётган қиздириш элементли намлаш ускунасидаги цилиндрик роликларни сиртини ҳароратини 50 °C дан 120 °C гача оширилганда тола намуналарининг ҳажми бўйича қизишининг ўртача ҳарорати 18 °C дан 31,5 °C гача кўтарилилар экан.


"Султон" селекцион I навли 1-синф техник пахтани жинлаш, тола тозалагич ва конденсордан сўнг олинган толани намланмасдан олдинги намлиги 5,6 % га тенг бўлиб, толани ҳар хил ҳароратда қизитилгандан кейин намловчи буғни ўзига шимиб олиш (намланиш) жараёни қай тарзда кечиши ўрганилгандаги тажриба натижаси 11-расмда кўрсатилган.

Ўтказган тажрибамиз натижасида толанинг намланишини 1,5 фоиз ва ундан юқори бўлиши учун толани ҳарорати 26,5 °C дан кам бўлган миқдорда буғ билан намлашни тавсия этилади.

**Толани намлаш ускунасини қизитувчи цилиндрик роликлари
хароратининг толани қизишига таъсирини ўрганиш натижалари**

Қизитилган роликлар сиртининг харорати, °C	Қизитилган роликлар таъсирида тола намунасини қизиш харорати, °C			Толани қизишининг ўртача харорати, °C
	I	II	III	
50	17.7	18.1	18.2	18,0
60	21.9	22.4	22.6	22,3
70	23.0	23.6	23.9	23,5
80	25.8	26.4	26.4	26,2
90	27.9	28.4	28.6	28,3
100	28.7	29.1	29.2	29,0
110	29.8	30.3	30.5	30,2
120	31.1	31.4	32.0	31,5

Толани қиздириш элементли намлаш ускунасини рационал параметрларини тажрибаларни математик режалаштириш орқали аниқлаш учун асосий омиллар сифатида: намлаш ускунасининг роликлари сони А, роликлар орасидаги масофа В ва роликлар юзасининг харорати Т танлаб олинди.



11-рasm. Тола намуналарини хар хил хароратда қизитилгандан кейин намловчи бугни ўзига шимиб олиш графиги

2-жадвал

Танлаб олинган омилларни ўзгариш чегаралари

№	Омиллар	Ўлчов бирлиги	Омилларни белгиланиши		Ўзга- риш интер- вали	Ўзгариш даражаси		
			Хақ и- кий	Код- ланган		-1	0	+1
1	Роликлар сони	дона	A	X ₁	1	10	11	12
2	Роликлар орасидаги масофа	мм	B	X ₂	5	5	10	15
3	Роликлар юзасини харорати	°C	T	X ₃	30	50	80	110

Қуйидаги регрессия тенгламани олинди:

$$Y_1 = 1,6843 - 0,0316X_1 - 0,1666X_3 - 0,3677X_1^2 - 0,0645X_1X_2 - 0,0645X_1X_3 - 0,3343X_2^2 - 0,0937X_2X_3 - 0,42604X_3^2 \quad (8)$$

Қизитиш элементли толани намлаш ускунасини мақбул кўрсаткичларини аниқлаш мақсадида оптималлаштириш масаласини кўриб чиқилди.

Чегаравий шарт: Y_1 максимал қийматга эга бўлиши шарт.

Ҳосил бўлган оптимизация масаласи тасодифий қидирув усули ва замонавий компьютер амалий программалар дастурлари ёрдамида ечилди ва қуйидаги рационал ечимлар олинди:

3-жадвал

Математик моделни оптималлаштириш натижалари

Омиллар	X ₁	X ₂	X ₃
Кодланган	-0,0284	0,03033	-0,1968
Натураль	10,972	10,152	74,096
Бутунлашгани	11	10	74

Демак, ўтказилган тажрибалар натижаси бўйича қизитиш элементли толани намлаш ускунасининг мақбул параметрлари: намлаш ускунасининг роликлари сони 11 дона, роликлар орасидаги масофа 10 мм ва роликлар юзасининг харорати 74 °C ни қабул қилишимиз мақсадга мувофиқ бўлар экан.

Тўртинчи **"Такомиллаштирилган тола намлагич ускунасини ишлаб чиқариш шароитидаги синовлари ва иқтисодий самарадорлиги"** номли бобида ишлаб чиқариш синовлари натижалари келтирилган.

Таклиф этилаётган қиздириш элементли тола намлаш ускунасини габарит ўлчамлари пахта тозалаш корхоналарига ўрнатилган стандарт ўлчамдаги тола лотогининг ўлчамларига мос равишда олинди, яъни намлаш ускунасини эъни 900 мм га тенг қилиб тайёрланди ва Сирдарё вилоятининг "Боёвут техно кластр" МЧЖ га қарашли пахта тозалаш корхонасининг пресслаш цехидаги тола тарновига монтаж қилинди (12-расм).



12-расм. Толани намлаш ускунасини монтаж қилиш жараёнидан лавҳалар

Ишлаб чиқариш шароитида қуйида 4-жадвалда кўрсатилган вариантларда тажрибалар ўтказилди.

4- жадвал

Толани қизиши ва намланишини тола тойларининг массасини ошишига таъсири

Тажриба вариантлари	Тола намлигини ошиши, %	Тола тойларини ўртача массаси, kg	Тойлар массасини ошиши, kg
Намланмаган тола (назорат)	0	216,4	0
Қиздириш +намлаш	1,4	225,7	+ 9,3
Толани қиздириш	0	219,6	+ 3,2
Толани намлаш	0,87	222,5	+ 6,1

3-жадвал натижаларини таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, ишчи гипотезада келтирилган фикрлар тўғри бўлиб, толани намлаш билан бир вақтда уни ҳароратини ошириш биргаликда толанинг эластиклиги камайиши ҳисобига пресшлаш жараёнини осонлаштиради ва тола тойларини массасини назоратга нисбатан энг кўп, яъни 9,3 kg га ошишини таъминлайди. Яна шуни таъкидлаб, айтиш мумкинки, таклиф этилаётган қиздириш элементли намлаш ускунаси амалдаги толани намлаш ускуналарига нисбатан самаралироқ бўлиб, тола тойларини массасини мавжуд намлаш жараёнига нисбатан 3,2 kg га ошишини таъминлайди.

Ишлаб чиқариш синовлари вақтида "Ан-баявут-2" селекцияси, 2 чи ва 4-чи саноат навларини дастлабки ишланди. Жинларни тола бўйича умумий иш унумдорлиги 2-саноат навини ишлашда 2600-2700 kg/h, 4-чи саноат навини ишлашда 2100-2200 kg/h га тенг бўлди. Толани намлаш вақтида цилиндрлик роликларни ҳарорати 70 °C да бўлиши таъминланди. Хар бир вариант тажрибалари (20 дақиқадан 3 та такрорланиш) 60 дақиқа давом этди. Тажрибалар давомида хар 10 дақиқадан сўнг толани намлиги пахта тозалаш корхонасининг лабораторияси ходимлари томонидан ўлчаниб, тажриба бўйича

ўртача намлик аниқланди. Тажрибаларни ўтказишдан аввал жинлар тўхтатилиб тола лотоги тозаланди. Электр иситгичлар (ТЭН) ёрдамида цилиндрик роликларни ҳарорати 70 °С га қиздириб, бу ҳарорат автоматик равишда тажрибалар давомида ўзгармас ушлаб турилди. Тажрибалар давомида олинган тола тойларини массаси электрон тарозида ўлчаниб турилди ва назорат вариант, яъни толани намланмасдан тойлашга нисбатан массасини ошиши ҳисоблаб 5-жадвалга киритилди.

5-жадвал

Ишлаб чиқариш шароитида ўтказилган экспериментал синов-тадқиқотларни натижалари

Тажриба вариант-лари	Намланмаган толани такрорланишлар бўйича ва ўртача намлиги, %		Толани намлангандан кейинги такрорланишлар бўйича ва ўртача намлиги, %		Тола намлиги ни ошиши, %	Тойлар массасини ошиши, kg
Ан баявут-2 селекцияси, 2 саноат нави	5,36 5,30 5,28	5,31	6,94 6,60 6,59	6,71	1,4	9,3
Ан баявут-2 селекцияси, 4-саноат нави	7,05 7,18 6,85	7,02	8,72 8,42 8,70	8,62	1,6	11,2

5-жадвал натижаларидан кўришиб турибдики, тажрибаларнинг биринчи вариантида тола намлигининг ошиши ўртача 1,4 % ни, тойлар массасини эса 9,3 kg га назоратга нисбатан ошиши, иккинчи вариантида эса бу кўрсаткичлар мос равишда 1,6 % ни ва 11,2 kg ни ташкил қилди.

Такомиллаштирилган толани намлаш ускунаси Сирдарё вилоятининг “Баёвут техно кластр” МЧЖ да жорий қилинди ва 2019-2020 йил мавсумида муваффақиятли ишлатилди.

Жорий этишнинг иқтисодий самарадорлигини ҳисоблаш усулига мувофиқ пахта саноати корхоналарида янги техника ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш, кутилаётган йиллик иқтисодий самарани аниқлаш ўзгарувчан харажат базасини ва янги технологияни таққослашга асосланган ва қуйидаги формула бўйича амалга оширилди:

$$\Delta = \Pi + [(C_1 + E_n K_1) - (C_2 + E_n K_2)]; \quad (9)$$

C_1, C_2 –ўзгарувчан харажат учун эксплуатация харажатлари, минг сўм;
 Π – ўров ва боғлов материалларини сарфи тежамкорлиги ($\Pi_1 - \Pi_2$), мингсўм;
 $K_1; K_2$ – мавжуд ва лойиха вариантлардаги капитал қўйилмалар, минг сўм;
 E_n – капитал қўйилмалар самарадорлигининг меъёрий коэффициенти (0,15).

Бир йилда 25 минг тонна пахта хомашёси тайёрлаб дастлабки ишлайдиган пахта тозалаш корхонасида "Такомиллаштирилган толани намлаш

ускунасини" тадбиқ этишдан олинадиган йиллик иқтисодий самара 83345 минг сўм бўлиши аниқланди ва амалда "Боёвут Техно кластер" МЧЖида 25000 тонна 2019 йил пахта хосили дастлабки ишланганда ишнинг натижасини тадбиқ этишдан олинган фойда 83345 минг сўмни ташкил этди.

ХУЛОСА

1. Пахта ва пахта толасини намлаш қурилмаларининг маҳаллий конструкциялари етарли даражада самарали эмас ва намликнинг керакли миқдорда ўсишини таъминламайди. Тола намлагичларининг хорижий ва маҳаллий моделлари асосан толали массанинг сирт қатламини намлашни таъминлай олади.

2. Республикамиз пахта тозалаш саноати томонидан ишлаб чиқарилаётган толанинг асосий қисми (тахминан 99 %) меъёрланган намликка етмайди. Натижада тойларнинг ўртача оғирлиги меъёрлаштирилган қийматлардан 5-10 кг га кам бўлади.

3. Ўтказилган лаборатория тадқиқотлари асосида агар намланмаган толанинг ҳарорати 40 °С га оширилса, унинг зичлиги совуқ толага нисбатан (18°С да) 1,22 марта (ёки 18,2%) ошиши исботланган. Бундан келиб чиқадики, толанинг ҳароратини ошириш намликни ошириш билан бирга унинг эластиклигини камайтиради, бу эса ўз навбатида тола массасининг зичлигини оширади.

4. Толани намлаш самарадорлигини унинг ҳароратини ошириш ҳисобига эришиш мумкинлиги, бунда толанинг эластиклиги камайиб, пресслаш жараёнини осонлаштириши ва буғ билан уни нисбатан камроқ намлаши самара беришини ҳисобга олиб намлашнинг технологик схемаси танлаб олинди ва тола тарновнинг йўналтирувчи элементларини қиздириш учун техник ечими ишлаб чиқилди.

5. Агар тарновнинг оғиш бурчаги $\varphi < \varphi_0$ бўлса, у ҳолда $R_0 < R_k$ тенгсизлик ўринли бўлиб, узатиш кесимида толанинг қўшимча зичланиш ҳолати юзага келиши, $\varphi > \varphi_0$ тенгсизлик бажарилса, роликлар кучининг ушбу ораликдаги $R_0 - mg\sqrt{1 + f^2} \leq R_k \leq R_0$ қийматларида бўлак асосий массадан ажралмасдан ҳаракатда бўлиши, $R_k > R_0$ шарти бажарилса, бўлакнинг асосий массадан ажралиб кетиш ҳолати юзага келиши аниқланди.

6. Толанинг сарғишлик даражаси цилиндрик роликлар сиртининг ҳарорати 60 °С га тенг бўлганда 9,41% ни ташкил этган бўлса, цилиндрик роликлар сиртидаги ҳароратни 120 °С гача кўтарилганида 0,26 % га ёмонлашиб, 9,67 % кўрсаткичига эга бўлиб, толанинг сарғишлик даражасининг ошиши йўл қўйиладиган меъёр чегараси даражасида бўлади.

7. Кўрсатиб ўтилдики, тола намлагичининг цилиндрик роликлар сиртидаги ҳароратни 60°С дан 74°С гача кўтарилганда толанинг нур қайтариш коэффиценти кўрсаткичи 79,68 % дан 79,18 % га камайиб, йўл қўйиладиган меъёр чегарасида бўлса, цилиндрик роликлар сиртидаги ҳароратни 120°С гача кўтарилганда 74 °С дагига нисбатан 2,72 % га, 60 °С дагига нисбатан эса 3,22 %

га пасайиши кузатилди, яъни цилиндрик роликлар сиртидаги хароратни 70°C гача бўлиши мақсадга мувофиқ.

8. Ўтказилган тажрибалар натижасида толанинг намланишини 1,5 фоиз ва ундан юқори бўлиши учун толани харорати $26,5^{\circ}\text{C}$ дан юқори бўлмаган ҳолатда буғ билан намлашни тавсия этилади.

9. Тажрибаларни математик моделлаштириш усули қўлланиб ўтказилган тажрибалар натижаси бўйича қизитиш элементли толани намлаш ускунасининг мақбул параметрлари: намлаш ускунасининг роликлари сони 11 дона, роликлар орасидаги масофа 10 мм ва роликлар юзасининг харорати $60-70^{\circ}\text{C}$ ни қабул қилишни тавсия этилади.

10. Ишлаб чиқаришда тола тойларини массасини назоратга нисбатан пахтанинг биринчи саноат навида 9,3 кг га, учинчи саноат навида эса 11,2 кг га ошади, бунда толани намлигига мос равишда биринчи саноат навида 1,4 % ни, учинчи саноат навида эса 1,6 % га ошиши таъминланди.

11. Ишлаб чиқилган пахта толасини намлашга мўлжалланган ускунани жорий этишда тола тойларини боғлаш ва ўраш материалларини сарфини камайиши ҳисобига кутилаётган йиллик иқтисодий самара пахта тозалаш корхонаси учун 83345 минг сўм бўлиши ҳисобланди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019.Т.08.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ИНСТИТУТЕ
ТЕКСТИЛЬНОЙ И ЛЕГКОЙ ПРОМЫШЛЕННОСТИ**

АО «РАХТАСАНОАТ ИЛМИҲ МАКАЗИ»

ИСАНОВ ФАРХОД ДЖУММАНАЗАРОВИЧ

**РАЗРАБОТКА ВЫСОКОЭФФЕКТИВНОГО МЕТОДА
УВЛАЖНЕНИЯ ВОЛОКНА НА ХЛОПКОЗАВОДАХ**

**05.06.02–Технология текстильных материалов и первичная
обработка сырья**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за В 2019.3.PhD/T913.

Диссертация выполнена в акционерном обществе ОО “Paxtasanoat ilmiy markazi”.

Автореферат диссертации выпущен на трех языках (узбекском, русском и английском (резюме)), размещен на веб-сайте Ташкентского института текстильной и легкой промышленности (www.titli.uz) и Информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель:

Сабилов Кахрамон

доктор технических наук, с.н.с

Официальные оппоненты:

Мадумаров Илхом Дедаханович

доктор технических наук, проф.

Қаюмов Абдумалик Хамидович

доктор технических наук, доцент

Ведущая организация:

Джизакский политехнический институт

Защита диссертации состоится «29» декабря 2021 года в 10⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc 03/30/12.2019.T.08.01 при Ташкентском институте текстильной и легкой промышленности по адресу: 100100, г. Ташкент, ул. Шохжахон, 5. Административное здание Ташкентского института текстильной и легкой промышленности, 222-я аудитория, тел.:(+99871) 253-06-06, 253-08-08, факс: (+99871) 253-36-17; e-mail: titlp_info@edu.uz.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского института текстильной и легкой промышленности (зарегистрирована за №37). Адрес:100100,г. Ташкент, ул. Шохжахон, 5, тел.:(+99871) 253-06-06, (+99871) 253-08-08.

Автореферат диссертации разослан «16»декабря 2021 года.
(реестр Протокола рассылки №37 от «16» декабря 2021 года).



И. К. Сабилов

Председатель научного совета по присуждению ученых степеней, доктор технических наук

А. З. Маматов

Ученый секретарь научного совета по присуждению ученых степеней, доктор технических наук, профессор

Н. Р. Ханхаджаева

Председатель научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней, доктор технических наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. «Ожидается, что в будущем спрос на натуральные продукты на мировом рынке, особенно на текстильные изделия и продукцию легкой промышленности из натурального хлопкового волокна, будет расти в связи с постоянно высоким и интенсивно растущим населением. Ежегодно в мире вырабатывается 24-25 миллионов тонн хлопкового волокна, но дефицит его годового потребления составляет более 0,12-0,25 %»¹. Внедрение на практику высокоэффективных техник и технологий, путём реконструкции и модернизации хлопкоочистительной промышленности, улучшение качества изделия, создание ресурсосберегающих технологий и мировой хлопкоочистительной отрасли остается один из важных задач.

